

**БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯСИНING ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ  
МАЗМУНИ.**

**Ш.Тангирбердиев**

*Гулистон давлат университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси*

*ўқитувчиси*

Бағрикенглик тушунчаси ўзгаларнинг хулқ-атвори, яшаш турмуш тарзи, фикр-мулоҳазалари, гапириши, ҳис-туйғулари, эътиқоди, ҳаракатларига нисбатан сабр-тоқатли, чидамли бўлишини англатади. Ўзбек тилида нашр этилган луғатларда бағрикенглик “толерантлик”<sup>1</sup> (толерантлик - лот.тилида: “tolerantio” матонат - чидам, сабр-тоқат) тушунчасининг синоними сифатида ишлатилади.

Бағрикенглик тушунчасининг трансформациясига бир назар ташлайдиган бўлсак бугунги кунда турли сўзлар ва тушунчалар билан бағрикенгликни моҳияти акс этишни англаб олиш мумкин. Этимологик жihatдан “бағрикенглик” тушунчаси лотин тилидаги “tolerare” (чидамоқ, бардош бермоқ, тоқат қилмоқ) феълилан келиб чиққан. От сўз туркумига мансуб “тоқатлилиқ” ўзбук тилига таржима қилинганда “олиб юрмоқ”, “ушлаб турмоқ”, “тоқат қилмоқ”, “олиб чиқмоқ” каби маъноларни англатилган “tolerare” феъли билан боғлиқ. Ушбу сўзнинг этимологиясини инобатга олган ҳолда янада аниқроқ ифодалаганда “tolerare” - айнан “олиб юрмоқ”, “олиб ўтмоқ”, “ўтказмоқ” каби маъноларга эга, зеро, бу сўз “tolerare”- “кўтармоқ” сўзи билан ўзакдошдир. Шунингдек, “tolerantia” - атамаси замирида “чидамлилиқ”, яъни, ҳолатни ушлаб туришга қодирлик, тайёрилик мазмуни катта ўрин эгаллайди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изохли луғати // “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, Т.: 2006. - Б. 408

<sup>2</sup> Кушаев У.Р. - Жаҳон динларида бағрикенглик ғояларининг уйғунлиги // Фалсафа фанлари бўйича фан доктори (DSc) Диссертация, автореферат. Т.: 2017. -Б. 17  
<https://scientific-jl.com/>

“Бағрикенглик” сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғатида”, “масалага кенг кўламда, очиқ кўнгиллик билан ёндашишлик”, тарзида изоҳланган.<sup>3</sup> Айни пайтда, мазкур луғатдан “тоқатлилик” эмас, “тоқатли” сўзи ўрин олган бўлиб, “сабр-тоқатга эга; чидамли, тўзимли” деган маънога шарҳланган. “Тоқатсизлик” эса “бетоқат ҳолат” ифодаси сифатида изоҳ топганини кўриш мумкин.

Россия давлатида босиб чиқарилган ижтимоий-социологик луғатда толерантлик тушунчасига қуйидагича изоҳ берилади:

а) ўзга миллат одамларининг яшаш тарзи, хулқи, анъаналари ва қадриятлари, ғояси, фикри ва эътиқодига чидамлилик ва ҳурмат билан қараш;

б) кутилмаганда келиб чиқиши мумкин бўлган омилларни ва ҳодисаларга чидам ҳамда бағрикенглик билан қараш ва ёндашиш;

в) салбий ва номақбул ҳиссиётлар таъсирига ҳам бағрикенглик билан ёндашиш керак.<sup>4</sup>

Марк Наттурно толерантликни ўзга миллат вакиллариининг маданиятлари ва қадриятларига чидаш ва сабр қилишни бағрикенгликдир деб, ўз фикрини шундай давом эттирган: “Менинг фикримча, биз эркин ва онгли мавжудот бўлганлигимиз сабабли айбни атрофдагиларга ағдаришдек бидъатлардан холи бўлишимиз керак. Алалхусус, бу толерантликка алоқадор бўлиб, ушбу толерантликни узоқ муддат эркинликка тўсиқ бўлиб келган диний, этник ва ирқий хурофотларни енгиб ўтиш йўлидаги уринишларимиз снфатида тавсифлаш мумкин”.<sup>5</sup>

Марк Наттурно ғояларидан шундай хулосага келиш мумкин: толерантлик - бу инсон хоҳламайдиган, ҳатто энг ёмон деб қаралувчи ҳолатларга сабр ва тоқат билан қарашдир.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати // “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. -Т., 2006. -Б. 204

<sup>4</sup> Российская социологическая энциклопедия. - М.: Наука, 1998. - 278 с.

<sup>5</sup> Марк Нотурно. Толерантность, свобода и истина: фаллибализм и открытие “закрытых обществ” // Ижтимоий фикр. -Т., 1998. - № 22.

<https://scientific-jl.com/>

Ислонда XIV аср илгари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларини бағрикенг бўлиб яшашга чақирганлар. Саҳобаларга барча жабҳада бағрикенг бўлиш кераклигини уқтириб “Сотганда ҳам, сотиб олганда ҳам, ҳақ талаб қилганда ҳам бағрикенг бўлган кишига Аллоҳ раҳм қилсин”, - дедилар.<sup>6</sup>

Ушбу масалада президентимиз Ш.М.Мирзиёев маънавий соҳадаги ислохотларнинг моҳиятини ҳам толерантлик (бағрикенглик) тамойилини ривожлантиришда миллий маънавий анъаналаримизнинг аҳамиятига алоҳида эътибор бериб, глобаллашув даврида давлатимиз ички ва ташқи ҳаётида ўзаро ҳурмат ва ўзаро ҳамкорлик тамойилларига асосланганлигини кўрсатиб ўтди.

“Бағрикенглик” сўзининг маъноси, лотинча “чидамлилиқ” демакдир. Одатга кўра, бағрикенглик - тажовузсиз бегона қарашларни қаршилиқсиз қабул қилиш демакдир. Ўзбек тилида бағрикенглик тушунчаси, қалбнинг кенглиги сифатида белгиланади, турли миллатларнинг миллий қадриятлари, анъаналари ва диний эътиқодларлар ҳамкорлиги акс этади. Шунингдек, кўп динлик муҳити турли динларнинг таълимотларида суҳбат ва ўзаро тушуниш воситаси саналади. Биз турли ҳил қарашларимизда фарқлашимиз мумкин. Бироқ бизни келажакда бирлаштирадиган соҳалар мавжуд. Бу халқ орасида ахлоқий анъаналарни сақлаш, тинч жамиятни қуриш, ўзаро ҳурмат тамойилларини тарғибот қилиш демакдир.

Толерантлик, бағрикенглик - ўзгаларнинг турмуш тарзи, ҳуқ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли бўлиш. Ҳозирги дунёда толерантлик ўта муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётнинг глобаллашуви ва бошқа жамиятда толерантлик тамойилининг аҳамиятини кучайтиради. Бағрикенглик тамойили белгиланган қоидаларни тасдиқлайди.<sup>7</sup>

---

<sup>6</sup> Г.Н.Наврўзова Накшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси.Т.: “Фан”, 2005. Т.: -Б. 63

<sup>7</sup> Қиёмиддин Назаров. Жаҳон фалсафаси қомуси. Иккинчи жилд // Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. - Т.: Маънавият. 2019. - Б. 324-326.

<https://scientific-jl.com/>

Толерантлик (иммунологик толерантлик - барча антигенларга иммунореактивлик хусусиятини сақлаган ҳолда организмнинг муайян антигенга нисбатан иммунологик жавобининг йўқолиши ёки сусайиши. “Толерантлик” термини инглиз олими П. Медавар (1953) томонидан кўчириб ўтқазилган бегона тўқимага нисбатан организм иммун системаси “чидамлилигини” кўрсатиш мақсадида таклиф этилган. “Иммунологик фалажлик”, “ареактивлик”, “антиген оғирлиги” каби терминлар шаклларига мос келади. Ҳомиланинг аллоантигенларга нисбатан толерантлигининг физиологик ҳолати ҳомиладорлик пайтида вужудга келади, деган тахминлар мавжуд. Қон ҳосил қилувчи (плазматик) ҳужайраларнинг она қорнида бўладиган алмашинувлари натижасида ҳар хил тухумли эгизакларда ҳам қоннинг гуруҳланган антигенларига нисбатан ўзаро физиологик толерантлик пайдо бўлиши мумкин.

Кейинги йилларда турли фан соҳаларининг тадқиқотларига асосланган ҳолда яна бир сўз урф бўлиб бораётгани сезилмоқда. Янги Ўзбекистон ғояларини ўзига жамул-жам қилган бу сўз бағрикенгликдир.

Бунёдкор бағрикенглик ислом динида айтилганидек: Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тинчлик ва хотиржамлик ҳақида бундай деганлар: “Тинчлик ва хотиржамлик икки улуғ неъматдирки, бундан кўп одамлар бебаҳрадирлар”. (Имом Бухорий ривояти). Афсуски, Аллоҳ таолонинг улуғ неъматини бўлмиш тинчликдан ҳамма ҳам бирдек баҳраманд бўлаётгани йўқ. Дунёнинг турли бурчакларида террорчилар ноҳақ қонлар тўкаяпти. Бундай мудҳиш воқеаларнинг қабих ниятли бузғунчи гуруҳлар томонидан амалга оширилиши бутун дунё тинчликсевар халқлари қатори Ўзбекистон халқининг қалбини ҳам қаттиқ ларзага солади. Биз терроризмга қаршимиз. Унинг мудҳиш жиноятларини қаттиқ қоралаймиз. Шунинг унутмайлики, муқаддас ислом динимиз тинчлик ва меҳр-оқибатни ўзида мужассам этган. Уни тоза ва ҳалол сақлаш, тухмат

ва бўҳтонлардан, ёш авлодни асраш, уларга ҳар бир тушунчанинг моҳиятини тўғри тушунтириш долзарб вазифаларимиздан бирига айланиб

бормокда. Айнан дунёда инсонлар ўртасида юқорида назарда тутилган нифокларни келиб чиқиши ва уларни экстримистик ва террористик гуруҳларга айланиб кетишига сабаб ислом динидан тўла хабардор эмаслиги ва бағрикенглик тамойилининг мавжуд эмаслигидан далолатдир. Халқ орасида фитна кўзгатиш, тухмат ва иғво тарқатиш йўлидаги уринишлар тинчлик ва хотиржамликни издан чиқарувчи ҳодисалардан ҳисобланади. Бундай ҳаракатлар ислом динининг моҳиятига мутлақо зид экани Қуръони Каримнинг Бақара сураси 191- оятидаги “Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир”, деган кўрсатмада янада ойдинлашади. Огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, тинчликни таъминлаш турли хил кўнгилсизликлар ва хавфу хатарларнинг олдини олишнинг зарурий шартидир. Зеро, ғофиллик ва бепарволик турли нохушликларга замин яратади. Тинчлик - улуғ неъмат, деб эълон қилган динимизда бу йўлда нафақат амал билан, балки сўз билан ҳам зарар келтиришдан қайтарилган.

Бағрикенгликнинг уч даражаси бор:<sup>8</sup>

Биринчи, бирор кимса билан гаплашаётганингизда унинг хулқи ёки кўринишидаги бирор жиҳат сизга ёқмай қолди. Шунда ҳам сабр билан, унинг “айби”ни юзига солмай токат қилдингиз. Бу бағрикенгликнинг қуйи даражасидир.

Иккинчи, сизга кимдир нотўғри ва қўпол муомала қилди. Одоб қоидаларини бузди. Унга нисбатан сабр қилишингиз бағрикенгликнинг ўрта даражасидир.

Учинчи, сизга бирор жиҳати ёқмай қолган ёки сизга нисбатан нотўғри муомала қилган инсонга кечиримлилик билан муносабатда бўлишингиз ва унинг камчилигини кўтариб, ҳеч нима бўлмагандек энг гўзал муомалада бўлишингиз бағрикенгликнинг олий даражасидир. Сабаби, ёмонликни яхшилик билан бартараф қилиш илоҳий амр бўлиб, унга буюк бобокалонларимиз, олиму алломаларимиз, фозилу арбобларимиз,

---

<sup>8</sup> Деққонов Б. Хожагон-нақшбандия таълимотида бағрикенглик тушунчасининг фалсафий таҳлили. Ф.ф.б.ф.д., (PhD) дис. -Бухоро: 2022. 31-32-бетлар.

<https://scientific-jl.com/>

мутафаккир аждодларимиз асрлар давомида амал қилиб келганлар.

Бағрикенгликнинг бир қанча турлари мавжуддир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамият аъзолари ўртасидаги тенглик тамойили қуйидагича ўз ифодасини топган: Ўзбекистонда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, қонун олдида тенгликлари кўрсатиб ўтилган.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт. Бу икки жинс, эркак ва аёл тоифалари ўртасидаги бағрикенг муносабатдир.

Эркаklar аёлларга нисбатан жисмоний ва моддий жиҳатдан кучлироқдир. Бу нисбат ўғил бола ва қиз бола ўртасида ҳам намоён бўлади. Ўғил бола кучли ва бақувват бўлиши билан бир қаторда ўзининг кучи ва салоҳиятини қиз болани камситиш орқали кўрсатмаслиги зарур.

Мактабдош, синфдош кизларга нисбатан хоҳ у кичик, хоҳ катта бўлсин камситмай муомала қилиш, уларга ўз опаси ёки синглисидек муносабатда бўлиш, аёл устозларни онасидек ҳурмат қилиш гендер бағрикенглигини ифодалайди.

Аёлларни фақат олийжаноб кимсаларгина эъзозлайди, уларни пасткаш кимсаларгина ҳўрлайди. Жамоадош кизлар олдида турли беодобона сўзларни ишлатиш, уларнинг шахсиятига тегадиган гапларни гапириш, ҳақорат қилиш мард эркаklarнинг одати эмас.

**Миллий бағрикенглик** инсоннинг қайси миллат, элат, уруғ ва қабила вакили бўлиши, келиб чиқиши ва насл-насабидан қатъи назар унга тенг муносабатда бўлишдир.

Миллат ва элат сўзларининг латинча маъноси “этнос”дир. Бинобарин, миллий бағрикенглик илмий тилда **этниқ бағрикенглик** деб ҳам аталади.

Бугун Она Ватанимиз - Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат вакиллари аҳиллик ва иноқликда ҳаёт кечирмоқдалар.

Ўзбек халқи орасида турли миллат вакиллари учрайди. Инсонда ирқ ва миллат танлаш имкони йўқ. Она Ер сайёрамиз бўйлаб тарқалган одамзот

турли миллат ва элатлар йиғиндисидан иборат. Шундай экан, баркамолликка интилган ҳар бир ёш барчага, у қайси миллат вакили бўлмасин, бирдек муомала қилиши зарур. Аввало ўзи мансуб бўлган миллати, урф-одат ва қадриятларини билиши, шу билан бирга ўзга миллат вакиллари ҳам ҳурмат қилиши зарур. Ўз миллатини севмаган, тарихи ва анъаналарини билмаган киши бошқа миллатларнинг ҳурматини жойига қўя олмайди.

Мутахассислар фикрича, ер юзида 6800 дан ортиқ тил ва шевалар бор экан. Инсон ўз она тилини, ўз шевасини қанчалик ардоқласа, ўзга тил ва шева соҳибларини ҳам шунчалик эъзозлаши даркор.

Халқимиз орасида турли вилоят ва қишлоқлар шеваларида сўзловчиларга дуч келишимиз мумкин. Аввало, 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган “Давлат тили тўғрисидаги Қонун”га биноан, ҳар ким оғзаки ва ёзма нутқда ўзбек тилининг адабий тили қоидаларига риоя қилиши керак. Аммо, ҳар бир вилоят, баъзида шаҳар, туман ва қишлоқнинг ўз шеваси борлиги ҳам ҳақиқат. Наманган шаҳри шевасида “боряпти” сўзи, “борутти”, Асака шаҳрида эса “борасти”, Чиноз туманида “борвоттим”, Бухорода “боропти” шаклида қўлланилади.

Ижтимоий бағрикенглик - ижтимоий ёрдам ва қўмакка муҳтож бўлган кишилар, жисмоний ногиронлиги бўлган шахсларни камситмай, уларга тенг муносабатда бўлишдир.

Бугун жисмоний ҳолати ва саломатлиги турлича бўлган инсонларга дуч келамиз. Кўриш, эшитиш, гапириш, туриш, юриш ва ҳаракатланиш жиҳатдан нуқсонга учраган жисмоний ногиронлиги бор шахслар ҳам учраб туради. Ёшларнинг тенгдошлари орасида муайян сабаб билан жисмоний ногиронликка учраганлари бўлса уларни қўллаб-қувватлаш, кўнглини кўтариш, ижодий салоҳиятини юзага чиқаришда ёрдам бериш, таълим дастурини ўзлаштиришларида имкон даражасида мададкор бўлиш айтиб бағрикенгликдир.

Дунёда мавжуд 8 миллиарддан ортиқ одамнинг ҳар бири ўз диний ва эътиқодий дунёқарашига эга. Дунё аҳолисини инсоният деб аталмиш ягона



тушунча бирлаштиради. Барча одамзотнинг илк отаси Одам Ато ва дастлабки онаси Момо Ҳаводир.

Ислом манбаларида Қуръон, ҳадис, ижмо ва қиёс асосида ишлаб чиқилган қадриятлардаги диний бағрикенглик ғоялари асрлар давомида мусулмон халқлари, хусусан ўзбек халқи ижтимоий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб келган. Зеро, ислом динининг ақидавий, ижтимоий-ҳуқуқий, ғоявий, маънавий-ахлоқий, кўрсатмалари мазмунида диний бағрикенглик тамойиллари алоҳида ифодасини топган. Қуръонда инсонларнинг турли миллатларга ва динларга мансублиги бир-биридан фарқ қилишлари табиий эканлиги, аммо бу нарса улар ўртасидаги адоват, низо ва урушлар учун сабаб бўла олмаслиги ҳақида кўпгина оятлар келтирилган:

«Эй инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Хавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир» (Хужурот сураси, 13-оят).

Дарҳақиқат, турли-туман элат, миллат ва халқ бўлиб яралган инсон зоти Ўзбекистонда нафақат танишиш, бир-бирини билиш, балки ўзаро тенг, тотув, ҳамкор бўлиб, бир хил ҳуқуқ ва имкониятларга эга ҳолда ҳаёт кечираётганлари Ватанимизда миллатлараро муносабатларда олиб борилаётган адолатли сиёсат маҳсулидир.

#### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Ўзбек тилининг изохли луғати // “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, Т.: 2006. - Б. 408
2. Кушаев У.Р. - Жаҳон динларида бағрикенглик ғояларининг уйғунлиги // Фалсафа фанлари бўйича фан доктори (DSc) Диссертация, автореферат. Т.: 2017. -Б. 17
3. Декқонов Б. Хожагон-нақшбандия таълимотида бағрикенглик тушунчасининг фалсафий таҳдили. Ф.ф.б.ф.д., (PhD) дис. -Бухоро: 2022. 31-32-бетлар.



4. Қиёмиддин Назаров. Жаҳон фалсафаси қомуси. Иккинчи жилд // Ўзбекистон фаласуфлари миллий жамияти. - Т.: Маънавият. 2019. - Б. 324-326.
5. Российская социологическая энциклопедия. - М.: Наука, 1998. - 278 с.
6. Марк Нотурно. Толерантность, свобода и истина: фаллибализм и открытие “закрытых обществ” // Ижтимоий фикр. -Т., 1998. - № 22.
7. Г.Н.Наврўзова Накшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси.Т.: “Фан”, 2005. Т,: -Б. 63
8. Гафуров, Б. А., & Холназарова, Д. М. (2016). Отражение социальной и религиозной политики Бабура в его завещании. *Наука и образование сегодня*, (4 (5)), 59-60.
9. Xolnazarova, D. M. (2024). OLIY TA'LIM TASHKILOTLARI TALABALARINING HUQUQIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHNI TAKOMILLASHTIRISH. *Elita. uz-Elektron Ilmiy Jurnal*, 2(1), 264-266.
10. Xolnazarova, D. M. (2022). METHODS OF DEVELOPING LEGAL CULTURE IN STUDENTS.
11. Xolnazarova, D., & Tangirberdiyev, S. (2021). TALABALAR HUQUQIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHDA HUQUQIY TA'LIM-TARBIYANING ROLI. *Academic research in educational sciences*, 2(3), 1313-1317.
12. Mamatmuratovna, X. D., & Qizi, U. I. S. (2024). YANGI O 'ZBEKISTONDA AHOLI IJTIMOIIY HIMOYASINING USTUVOR YO 'NALISHLARI. *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 1(4), 45-47.
13. Мавлянов, У. Н., & Тангирбердиев, Ш. (2025). АЛИ САФИЙ ҲАЁТИ ВА МЕРОСИ ҲАҚИДА. *Решение социальных проблем в управлении и экономике*, 4(4), 78-84.
14. Tangirberdiyev, S. T. (2023). AN IMPORTANT SOURCE FOR THE STUDY OF SUFISM AND ITS TRADITIONS. *Journal of Social Sciences*

*and Humanities Research Fundamentals*, 3(07), 37-40.

15. Xolnazarova, D. M., & Tangirberdiyev, S. H. (2024). YOSHLARDA HUQUQIY MADANIYATNI RIVOJLANTIRISHNING AMALIYOTDAGI HOLATI. *TADQIQOTLAR. UZ*, 37(1), 120-123.
16. Холназарова, М. Х. (2015). Формирование творческих способностей личности в процессе социализации. *Austrian Journal of Humanities and Social Sciences*, 1(3-4), 109-111.
17. Xolnazarova, M. (2022). Factors and socio-psychological causes of behavior deviation in minors. *NeuroQuantology*, 20(20), 1781.
18. Nishonova, Z. T., Kamilova, N. G., Abdullayeva, D. U., & Xolinazarova, M. X. (2017). Rivojlanish psixologiyasi. *Pedagogik psixologiya. Toshkent-2018*.
19. Nishanova, Z. T., Kamilova, N. G., Abdullayeva, D. U., & Xolnazarova, M. X. (2018). Rivojlanish psixologiyasi. *Pedagogik psixologiya. T.: "O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati"*, 600.
20. Nishanova, Z. T., NG, K., Abdullayeva, D. U., & Kh, K. M. (2017). Developmental psychology. *Pedagogical psychology. Tashkent-2019*.
21. Нишанова, З. У., Камилова, Н. Г., Абдуллаева, Д. У., & Холназарова, М. Х. (2017). Ривожланиш психологияси. *Педагогик психология-Тошкент-2017-йил*.